

ISSN: 2181-9416



ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА * LAWYER HERALD

ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



CYBERLENINKA

НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ
БИБЛИОТЕКА
LIBRARY.RU

ISSN 2181-9416
Doi Journal 10.26739/2181-9416

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

2 СОН, 1 ЖИЛД

ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 2, ВЫПУСК 1

LAWYER HERALD

VOLUME 2, ISSUE 1



TOSHKENT-2022

Мундарижа

КОНСТИТУЦИЈАВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ.
МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

- 1. БАҲРОНОВ Шерзод Холмуродович**
НОРМА ИЖОДҚОРЛИГИДА ЭКОЛОГИК ТАЛАБЛАР ҲИСОБГА ОЛИНИШНИ
ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМИ 8
- 2. НЕМАТОВ Жўрабек Нематиллоевич**
ЎЗБЕКИСТОНДА ҲИМОЯ ОРДЕРИНИНГ МАЪМУРИЙ АКТ МИСОЛИДАГИ
МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ 16
- 3. РАБИЕВ Шерзод Миржалилович, АЗИЗОВ Бунёд Мавлонович**
МАЪМУРИЙ МАЪМУРИЙ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА “МАЪМУРИЙ
КЎМАКЛАШ”НИНГ АҲАМИЯТИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЗАРУРАТИ 22

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ИҚТИСОДИЙ ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ.
ҲАКАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ

- 4. ОКЮЛОВ Омонбой**
“СНОСЛАР” ЖАРАЁНИДА ХАР БИР МУЛҚДОР ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ
МАНФААТЛАРИ ТАЪМИНЛАНИШИ ШАРТ 30
- 5. ГУЛЯМОВ Саид Саидахарович, БОЗАРОВ Сардор Сохибжонович**
ВОПРОСЫ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В СФЕРЕ
ЗДРАВООХРАНЕНИЯ 36
- 6. АЧИЛОВА Liliya Ilxomovna**
VIRTUAL TURIZMNI TASHKIL ETISHNING HUQUQIY JIHATLARI 43
- 7. МУРОТОВ Журабек Сафарович**
ИНДИВИДУАЛЛАШТИРИШ ВОСИТАЛАРИГА (ТОВАР, ХИЗМАТ) БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАР . 50
- 8. ВОСТРИКОВА Виктория Сергеевна, ЧЕРКАШИНА Ирина Александровна**
ДОКТРИНА ФРУСТРАЦИИ НА ПРИМЕРЕ РЕШЕНИЯ ВЕРХОВНОГО СУДА
СОЕДИНЕННОГО КОРОЛЕВСТВА 55
- 9. АБРОРОВА Камола Саидмухторовна**
ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА В СФЕРЕ
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МЕЖДУНАРОДНОГО КОММЕРЧЕСКОГО АРБИТРАЖА
В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН 63

МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ

- 10. МАДРАҲИМОВА Гулжаҳон Рузимбой қизи**
ЙИЛЛИК ҲАҚ ТЎЛАНАДИГАН МЕҲНАТ ТАЪТИЛИНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ
ВА ТАРТИБГА СОЛУВЧИ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР
(РИВОЖЛАНГАН ХОРИЖ ДАВЛАТЛАРИ ТАЖРИБАСИ МИСОЛИДА) 70

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ.
КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ

- 11. ИБРОҲИМОВ Жамшид Абдуғофур ўғли**
ТЕРРОРИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖИНОЯТИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК ВА УНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ 79
- 12. ВОХИДОВ Маҳкам Мубинович**
ПРЕДЛОЖЕНИЯ ПО СОВЕРШЕНСТВОВАНИЮ ПРАВОВЫХ ОСНОВ ВОССТАНОВЛЕНИЯ
НАРУШЕННЫХ ПРАВ ЖЕРТВ ПРЕСТУПЛЕНИЙ И ЗЛОУПОТРЕБЛЕНИЯ ВЛАСТЬЮ В
РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН 86

13. ИСЛОМОВ Бунёд Очилович ОБСТОЯТЕЛЬСТВА, СМЯГЧАЮЩИЕ НАКАЗАНИЕ И ИСКЛЮЧАЮЩИЕ ПРЕСТУПНОСТЬ ДЕЯНИЯ ПО УГОЛОВНОМУ КОДЕКСУ РЕСПУБЛИКИ БОЛГАРИЯ (СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ)	92
--	----

14. БОЙДЕДАЕВ Садирдин Абдусатторович КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ИЖТИМОИЙ ЗАРУРАТИ	99
---	----

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА,
ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ**

15. АБДУЛЛАЕВ Рустам Кахраманович ҲОДИСА СОДИР БЎЛГАН ЖОЙНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШНИНГ КРИМИНАЛИСТИК ТАЪМИНОТИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ	107
---	-----

16. ЧУРЯКОВ Эркин Ибрагимович СУД-БАЛЛИСТИКА ЭКСПЕРТИЗАСИДА ЭКСПЕРТ ЭКСПЕРИМЕНТИНИНГ ЎРНИ	114
---	-----

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

17. РАХМАНОВ Шухрат Наимович ЕВРОПА ИТТИФОҚИДА МИГРАЦИЯВИЙ ЖАРАЁНЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ШАРТНОМАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ.....	119
--	-----

18. USMANOVA Surayo YEVROPA ITTIFOQIDA TURIZM: OMMAVIY HUQUQIY JIHATLARI TANLILI.....	126
---	-----

19. ХАМДАМОВА Фируза ПРАВОВОЙ СТАТУС РОБОТОВ В МЕЖДУНАРОДНОМ ГУМАНИТАРНОМ ПРАВЕ.....	131
--	-----

20. КАРИМОВ Оятилло Халимович ПОНЯТИЙНЫЙ АНАЛИЗ ЭКСТРАДИЦИИ В МЕЖДУНАРОДНОМ И НАЦИОНАЛЬНОМ ПРАВЕ: СРАВНИТЕЛЬНО-ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ.....	135
--	-----

21. АЪЗАМХУЖАЕВ Умидхон Шавкат угли МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ТРАНСПОРТНО-КОММУНИКАЦИОННЫХ СВЯЗЕЙ СТРАН ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ И ЕВРОПЫ.....	141
--	-----

22. ОЧИЛОВ Шермат Рашидович ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШДА МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ	149
---	-----

23. САЛИЕВА Шахсанем Уснатдиновна ФОРМИРОВАНИЕ ЦИФРОВЫХ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА НА СОВРЕМЕННОМ ЭТАПЕ	154
--	-----

24. МИРЗАМУРОДОВ Шохрух Олимович МЕЖДУНАРОДНОЕ ДОГОВОРНО-ПРАВОВОЕ ЗАКРЕПЛЕНИЕ РЕГИОНАЛЬНОЙ ИНТЕГРАЦИИ В ЦЕНТРАЛЬНО И ЮЖНОАЗИТСКОМ МАКРОРЕГИОНЕ В РАМКАХ ШОС	161
---	-----

ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

25. NAITO Shintaro OVERVIEW OF DRAFTING LEGISLATIVE BILLS IN JAPAN—FOCUSING ON AVOIDING INCONSISTENCY IN LAWS.....	169
---	-----

26. ТОЖИЕВ Фурқат Шомуродович ЮРИДИҚ ХИЗМАТЛАР ФАОЛИЯТИДА ҲУҚУҚИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАРИ: ЎЗБЕКИСТОН МИСОЛИДА	184
---	-----

27. ИЛЬЯСОВ Улугбек Бахтиёрович ОСНОВНЫЕ НОВЕЛЛЫ ИНВЕСТИЦИОННОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА НОВОГО УЗБЕКИСТАНА	190
---	-----

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ИҚТИСОДИЙ ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАКАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ

ОКЮЛОВ Омонбой

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист,
юримдик фанлари доктори, профессор

“СНОСЛАР” ЖАРАЁНИДА ХАР БИР МУЛҚДОР ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИ ТАЪМИНЛАНИШИ ШАРТ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): Окюлов О. “Снослар” жараёнида хар бир мулқдор ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари таъминланиши шарт // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 2 (2022) Б. 30-35.

 2 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-2-4>

АННОТАЦИЯ

Янги Ўзбекистон шароитида хусусий мулк ҳуқуқи кафолатлари ҳар томонлама кучайтирилмоқда. Бироқ, бу соҳада муайян ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжуд. Айниқса, давлат эҳтиёжлари учун ер участкаси олиб қўйилиши бўйича тартиб таомилларда бу ҳолат яққол кўзга ташланади. Муайян ҳудуд бўйича снослар амалга оширилганда унга қарши бўлган озчилик мулқдорлар мулк ҳуқуқи суд орқали бекор қилинади. Мазкур илмий мақолада ушбу ҳолат таҳлил этилади ва мулқдор ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тартибини такомиллаштириш бўйича илмий ечимлар таклиф этилади.

Калит сўзлар: Давлат эҳтиёжлари, мулк дахлсизлиги, мулк ҳуқуқини бекор бўлиш асослари, мулк ҳуқуқини суд тартибида бекор бўлиш асослари, мулқдорга бериладиган компенсациялар, бозор баҳоси, мулқдор ҳуқуқининг кафолатлари, мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш тизими.

ОКЮЛОВ Омонбой

Заслуженный юрист Республики Узбекистан,
доктор юридических наук, профессор

ПРИ СНОСАХ НЕДВИЖИМОГО ИМУЩЕСТВА ДОЛЖНО БЫТЬ ОБЕСПЕЧЕНА ЗАКОННЫХ ПРАВ И ИНТЕРЕСОВ КАЖДОГО СОБСТВЕННИКА

АННОТАЦИЯ

В условиях Нового Узбекистана всемирно усиливается гарантия прав частной собственности. Вместе с тем в данной сфере имеется злободневные проблемы, которые ждут своего решения. Это ярко бросается в глаза в процедуре изъятия земельных участков для государственных и общественных интересов. При сноса недвижимого имущества

определенных территории прекращения право собственности меньшинства собственников которые не согласны с этим, осуществляется в судебном порядке. В данной научной статье анализируется это процедура и предлагаются ряд научных рекомендации по совершенствованию порядка защиты прав собственников. В частности, обосновываются несостоятельность дифференциации группа собственников на большинство согласных и меньшинства несогласных. Утверждается что каждому отдельному собственнику должно быть обеспечена полноценная гарантия обеспечения его прав.

Ключевые слова: государственные нужды, неприкосновенности собственности, основание принудительного прекращения права собственности, процедура изъятие земельных участков для государственных нужд, прекращения права собственности в судебном порядке, компенсация предоставляемый собственнику, рыночная цена, гарантия прав собственников, система защита права собственника.

OKYULOV Omonboy

Honored Lawyer of the Republic of Uzbekistan,
Doctor of Law, Professor

WHEN DEMANDING REAL PROPERTY, THE LEGAL RIGHTS AND INTERESTS OF EACH OWNER MUST BE PROVIDED

ANNOTATION

Under the conditions of New Uzbekistan, the guarantee of private property rights is being strengthened worldwide. At the same time, there are topical problems in this area that are waiting for their solution. This is clearly evident in the procedure for the seizure of land for state and public interests. When demolishing real estate in certain territories, the termination of the right of ownership of a minority of owners who do not agree with this is carried out in court. This scientific article analyzes this procedure and offers a number of scientific recommendations for improving the protection of the rights of owners. In particular, the failure to differentiate the group of owners into the majority of those who agree and the minority of those who disagree is substantiated. It is argued that each individual owner should be provided with a full guarantee of ensuring his rights.

Keywords: state needs, inviolability of property, the basis for the forced termination of property rights, the procedure for the seizure of land for state needs, termination of property rights in court, compensation provided to the owner, market price, guarantee of the rights of owners, the system of protection of the owner's rights.

“Хуқуқ устуворлиги” халқаро рейтинг индекси бўйича “Қонунларга риоя қилиш” индикаторининг “Хукумат суд қарорисиз ва адолатли тоvon пулисиз мулкни мусодара қилмаслиги” субиндикаторида (2021 йил ҳисоботида) Ўзбекистон максимал 1 баллдан 0.25 балл билан 139 та мамлакат ичида 138-ўринни эгаллаган [1].

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларида қизгин ислохотлар амалга оширилмоқда. Йирик қурилишлар жадал суръатлар билан рўёбга чиқарилмоқда, лекин бу қурилишларнинг муайян қисми қуруқ майдонларда эмас, балки аҳоли яшаётган турар-жойлар, бошқа ишлаб турган инфратузилма объектларини бузиш ҳисобига рўй бермоқда. Бу жараёнда ўз-ўзидан уйлари бинолари бузилаётган мулкдорлар билан қурилишдан манфаатдор бўлган инвесторлар ёхуд уни ташкил этиш ваколат доирасига кирадиган давлат идоралари ўртасида консенсус, келишув асосида амалга оширилиши шarti масаласи долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Ушбу соҳани тартибга солувчи кўплаб қонунлар, қонуности ҳужжатлари бўлишига қарамасдан, ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётида бу бўйича муаммоли вазиятлар вужудга келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 ноябрдаги 911-сонли қарори билан тасдиқланган “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш ҳамда ер участкаларини

олиб қўйиш ва компенсация бериш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги Низомнинг 47-бандида “Олиб қўйилиши режалаштирилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектлари мулкдорларнинг 75 фоизидан ёзма розилиги олинганда (Келишув тузилганда), бироқ қолган мулкдорларнинг розилигини олиш имкони бўлмаганда (келишувга эришилмаганда) ташаббускор уларнинг кўчмас мулк объектларини мажбурий сотиб олиш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилишга ҳақли. Бунда, розилик бермаган (Келишувга эришилмаган) мулкдорларга бериладиган компенсация миқдори, турлари ва муддати суд тартибида белгиланади” деб кўрсатилган [2]. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддаси 2-қисмида мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин деб белгиланган [3]. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 206-моддаси [4] ва “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 19-моддасида [5] юқоридаги муайян ҳудуддаги мулкдорларнинг 75 фоиз розилиги бўлган тақдирда, шу ҳудуддаги рози бўлмаган 25 фоиз мулкдорлар мулк ҳуқуқини суд тартибида бекор бўлиш ҳақидаги асос мавжуд эмас. Низом қонун ости ҳужжати ҳисобланади. Ушбу Низомга кўра рози бўлмаган мулкдорлар учун мулк ҳуқуқини мажбурий бекор бўлиши қатъий асосда белгиламоқда. Ҳолбуки ФКнинг 206-моддаси ҳам Қонуннинг 19-моддаси ҳам бундай ҳолда суд қандай қарор чиқарилишини олдиндан қатъий белгилаб қўймайди. Низомнинг 47-моддаси мазмуни моҳиятидан суд томонидан қабул қилинадиган қарор мазмуни олдиндан белгилаб қўйилмоқда. Ҳолбуки Конституциянинг 53-моддасида мулк ҳуқуқи дахлсизлиги белгилаб қўйилган. ФКнинг 166-моддасида мулк дахлсизлиги тамойили нисбатан кенгроқ мазмунда очиб берилган ва бунда ҳам мулкдорни мол-мулкни олиб қўйишга, шунингдек унинг ҳуқуқларини чеклашга фақат қонунларда назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади деб кўрсатилган. Конституциянинг 53-моддаси 2-қисми мазмунидан шу англашиладики, мулк ҳуқуқининг дахлсизлиги ҳар бир мулкдорга нисбатан қўлланилади. Бу ерда бир гуруҳ мулкдорларнинг эрки-иродаси бошқа гуруҳ мулкдорлар эрки-иродасидан афзал бўлиши белгилаб қўйилмаган. Конституциянинг 13-моддасида инсоннинг дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши кўрсатилган. Мулк дахлсизлиги худди шундай ҳуқуқлар таркибига киради. Шу сабабли низомни 47-банди Конституциянинг 53-моддаси 2-қисмига мазмунан зид деб ҳисоблаш мумкин.

ВМнинг 2019 йил 16 ноябрдаги 911-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 43-бандида Ер участкалари давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилганда, компенсация Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар, вилоятлар ёки туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан тегишли марказлаштирилган жамғарма маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига берилади. Ер участкалари инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун олиб қўйилганда компенсация инвестор маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан берилади деб кўрсатилган. Ушбу бандда ер участкаларини мажбурий олиб қўйиш асоси сифатида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш кўрсатилган. Низомнинг 1-моддаси А-бандида инвестиция ва ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳалар муайян ҳудуднинг архитектура қиёфасини ўзгартириш яхшилашга қаратилган бўлиши кўрсатилган. Низомнинг 2-моддасида инвестиция лойиҳаларига қуйидагича таъриф берилади: **инвестиция лойиҳалари** — амалга оширилиши давлат дастурларида назарда тутилган, фуқароларнинг яшаш ва маиший шароитларини, шунингдек муайян ҳудудни ривожлантириш ва архитектура қиёфасини яхшилаш, инфратузилмани ривожлантириш ҳамда ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган объектларни қуришни назарда тутувчи лойиҳалар ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 декабрдаги “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасида инвестиция лойиҳаси иқтисодий, ижтимоий ва бошқа фойда олиш учун инвестицияни амалга оширишга ёхуд жалб этишга қаратилган ўзаро тадбирлар мажмуи деб кўрсатилади. Ушбу қонуннинг 39-моддасида инвестиция лойиҳаларини экспертизаси белгилаб қўйилган. Унга кўра марказлаштирилмаган инвестициялар ҳисобидан молиялаштириладиган инвестиция лойиҳалари санитария-гигиена, радиациявий, экологик, архитектура-шахарсозлик талаблари ва бошқа талаблар бажарилишига таъллуқли қисми бўйича давлат

экспертизасидан ўтказилиши лозим. Кичик тадбиркорлик субъектларининг банклар кредит ресурслари ҳисобидан молиялаштириладиган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги юзасидан тижорат банклари томонидан экспертизадан ўтказилиши лозим. Бундан кўриниб турибдики инвестиция лойиҳаларида манфаатлар уйғунлиги таъминланган бўлиши яъни давлат, аҳоли ва муайян мулкдор манфаатларига хизмат қилиши лозим. Юқоридаги талабларга жавоб бермайдиган инвестиция лойиҳалари асосан муайян инвесторни ё инвесторлар гуруҳини хусусий манфаатларига хизмат қилади. Мулкдорлар уй-жойларини бузиб, ўрнига қимматбаҳо кўп қаватли квартиралар қуриб сотиб, фойда-даромад олишига хизмат қилади. Шу муносабат билан бизнес омбудсман мурожаатидаги БМТнинг иқтисодий ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича қўмитаси 1997 йил 16-сессияда қабул қилинган “Иқтисодий ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги” халқаро пактнинг “Етарли даражада турар-жойга бўлган ҳуқуқ” (11-модда 1-банди) 7-сонли умумий тартибли изоҳнинг 14-бандига кўра [6] фуқароларнинг кўчирилиши асосли деб топилган ҳолатларда халқаро гуманитар ҳуқуқнинг тегишли қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда мақсадга мувофиқлик ва мутаносибликнинг умумий принципларига мувофиқ амалга оширилиши лозим деган қисмига алоҳида эътибор қаратилишини хоҳлар эдим. Афсуски Ўзбекистон Республикасининг қонунларида, хусусан “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 19-моддасида [7] судлар асосий эътиборни мулк ҳуқуқини бекор бўлиши ҳақидаги қарорни қонунийлиги ва мулкдорга бериладиган компенсацияларни мутаносиблигини текширишга қаратиши ҳақидаги кўрсатмаси тўлақонли эмас. Бу ўринда халқаро амалиётнинг яна бир мезони, яъни мақсадга мувофиқлик нуқтаи-назаридан текшириш ўз ифодасини топмаган. Ўзбекистон Республикасидаги қонунларида бундай бўшлиқни мавжудлиги тўғрисида илмий адабиётларда, оммавий ахборот воситаларида олимлар ва мутахассислар кўпдан бўён бонг урмоқдалар. Шу жумладан ушбу сатрлар муаллифи ҳам бу тўғрисида қатор чиқишлар қилган. Мулк ҳуқуқи бекор бўлиши ҳолатида суднинг мақсадга мувофиқлик ҳолати тўғрисидаги текшируви умумий тарзда 911-сонли қарор билан тасдиқланган Низомда ўз ифодасини топган. Бунда ташаббускор инвестиция лойиҳасини амалга ошириш асосида вужудга келадиган ижтимоий самара мулк ҳуқуқини бекор бўлиши натижасида мулкдор манфаатларига путур етиши билан боғлиқ салбий оқибатларни келтириб чиқармаслиги яъни мулкдор бозор баҳосида тўлиқ компенсация олиши, бошқа харажатлар қопланиши ва айна пайтда ижтимоий самаралар тизими вужудга келиши шартлари белгилаб қўйилган. Бироқ амалда инвестиция лойиҳалари хар доим ҳам юқоридаги талабларга жавоб бериши назорат қилинмаяпти. Бу ўринда шуни таъкидлаш лозимки судларда мулкдорни сохта инвестиция лойиҳаларидан ҳимоя қилиш имкониятлари мавжуд. Яъни сохта инвестиция ёки бир томонлама фойда келтирадиган инвестиция инвестор ҳуқуқларини суистеъмол қилиш ёхуд ҳуқуқни унинг мақсадига зид равишга амалга ошириш сифатида баҳоланиши мумкин. Бу эса ФКнинг 9-моддаси 6-қисмига кўра инвестор давосини рад этиш имконини беради. Агар ушбу масала бўйича Конституциявий Суд қарори қабул қилинадиган бўлса ушбу ҳолатга ҳам урғу берилишини лозим деб ҳисоблайман. Инвестиция лойиҳалари ўз моҳиятига кўра давлат ва жамият эҳтиёжлари таркибига кирмайди. 911-сонли қарор билан тасдиқланган Низомда ҳам у алоҳида мустақил асос сифатида белгиланган, бинобарин, уни суд тартибида мулк ҳуқуқини мажбурий бекор бўлишга олиб келувчи асос сифатида белгилаш Конституциянинг 18-моддасида белгиланган тенглик тамойилига зид. Инвестор ҳам, мулкдор ҳам тенг ҳуқуқли. Инвесторга афзаллик бериб мулк ҳуқуқини бекор бўлиши бўйича суд томонидан қарор қабул қилиниши Конституциявий тенглик тамойили моҳиятига зид. Бу ўринда инвестор фақат мулкдор билан консенсус асосида келишувга эришишга ҳаракат қилмоғи лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги 5464-Фармойиши билан тасдиқланган “Фуқаролик қонун ҳужжатларини такомиллаштириш” Концепциясида [8] фуқаролик ҳуқуқининг компенсаторлик функциясини ривожлантириш ва такомиллаштириш вазифаси белгилаб қўйилган. Снослар масаласи бўйича фуқаролик ҳуқуқининг компенсаторлик вазифаси мулкдорга етказилган зарарлар тўлиқ қопланиши, зарар ва

компенсация ўртасида мутаносиблик бўлиши, бозор баҳоси асосида зарар ўлчаниши тўғрисида нормалар белгилаб қўйилган. Амалиётда кўп ҳолатларда мулкдорга етказилган зарар ва унга берилаётган компенсация бошма-бош тамойили асосида формал равишда, яъни бузилаётган икки хонага тенгма-тенг икки хона тарзида ҳал этилмоқда. Мулкдорга бошқа жойга кўчиш билан боғлиқ бўлган ноқулайликлар, кўникма ҳосил қилишлар бўйича зиёнлар ҳисобга олинмаяпти. Кўп снослар шаҳар марказларида рўй бермоқда. Шаҳар марказлари деярли эгалланган, бўш жойлар йўқ. Шу сабабли шаҳардан ташқарида “мутаносиб” мол-мулк таклиф этилмоқда. Баъзи ҳолатларда янги уй-жойлар жойлашган ҳудуд ижтимоий инфратузилма – таълим, соғлиқни сақлаш, транспорт қатнови, савдо шаҳобчалари нуқтаи-назаридан мулкдор учун жиддий ноқулайликлар вужудга келтиради. Дунёнинг баъзи мамлакатларида бундай ҳолатларда ноқулайликлар ва қулайликлар индекси бўйича ҳам баҳоланади. Ҳар бир ноқулайлик индекси ўз коэффициентига эга, ушбу коэффициентлар компенсация миқдорини ва турини белгилашда қатъий ҳисобга олинади. Фикримизча, снослар билан боғлиқ ҳолатларда ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиёти бозор баҳосидаги мутаносиб компенсация таркибига ноқулайликлар индекси коэффициентлари бўйича қўшимча пул маблағлари ёхуд натура шаклидаги қўшимча мол-мулк тақдим этиш орқали ижтимоий адолат, инсофлилик ва оқилоналик таъминланиши лозим.

Снослар ҳолатида мулкдорлар манфаатини устуворлигини назарда тутиб Уй-жой Кодексини 27-моддаси 2018 йил 11 октябрдаги ЎРҚ 497-сонли Қонун [9] билан янги таҳрирда белгиланган эди. Бунга кўра ер участкалари давлат ёки жамият эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан фуқаролар мулкида бўлган уйлар (квартиралар) бузилган тақдирда, мулкдорларга уларнинг танлови бўйича ва тарафлар келишувига кўра, уй-жой майдонининг ижтимоий нормасидан кам бўлмаган сахндаги, барча қулайликлари бўлган, аввалгисига тенг қимматли бошқа турар жой мулк қилиб берилади ҳамда дов-дарахтларнинг бозор қиймати тўланади ёхуд бузилаётган уй (квартира), бошқа иморатлар, иншоотлар ва дов-дарахтларнинг бозор қиймати, шунингдек ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қиймати тўлиқ ҳажмда тўланади. Бузилаётган уйнинг (квартиранинг) ёки ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қиймати берилаётган уй-жойнинг ёки ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қийматидан ортиқ бўлган тақдирда, бу фарқ мулкдорга компенсация қилиниши лозим, берилаётган уй-жойнинг ёки ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қиймати бузилаётган уйнинг (квартиранинг) ёки ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қийматидан ортиқ бўлган тақдирда эса, бу фарқ уй-жой берилган ёки ер участкасига бўлган ҳуқуқ берилган пайдан эътиборан беш йил ичида мулкдор томонидан компенсация қилиниши лозим эди. Қонунларга киритилган сўнгги ўзгаришларга кўра ўртадаги фарқни тўлаш ҳақидаги талаб бекор қилинди.

Уни қўллаш хусусиятлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 майдаги 97-сонли қарори билан тасдиқланган «Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг II бўлими («Ер участкаларининг давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан бузиладиган уйлар (квартиралар), иморатлар, иншоотлар, кўчириладиган дарахтлар учун фуқаролар ва юридик шахсларга тўлов миқдорини ҳисоблаш тартиби»), Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2001 йил 14 сентябрдаги 22-сонли «Уй-жой низолари бўйича суд амалиёти ҳақида»ги қарорнинг 8-бандини қўллашда ҳисобга олиниши лозим.

Бузилаётган уйлар ўрнига турар жойни мулк қилиб бериш ва уйлар, бошқа иморатлар, иншоотлар ҳамда дов-дарахтлар қийматини тўлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 206-моддасининг биринчи қисми, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 ноябрдаги 911-сон қарори билан тасдиқланган Ер участкалари олиб қўйилиши ва олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектлари мулкдорларига компенсация бериш тартиби тўғрисида Низомнинг 3-боби асосида тартибга солинади.

Хозир амалиётда сносларда компенсация миқдори белгиланаётганда компенсация берувчи субъектлар зўрға оғриниб, бошма-бош тамойили асосида компенсация бераётган ҳолларда, беш йил ичида кейинчалик тўлаш шарти билан бузилган мол-мулкдан кўра

кўпроқ хажмдаги мол-мулк компенсациясини бериш амалда деярли қўлланмаяпти. Уни қўллаш учун биринчидан, компенсация тўловчи субъектни имкониятлари бўлиши лозим ва иккинчидан, бундай оширилган компенсация ҳақиқатдан етарли асослар бўлган тақдирда берилиши ўринли бўлур эди. Бу ўринда мулкдорнинг инжиқлиги, асоссиз талаблар қўйиши, шаллақилигини олдини олувчи юридик превентив чораларни белгилаб қўйилмоғи талаб этилади. Фикримизча кейинчалик беш йил ичида тўлаш шарти билан оширилган компенсация берилиши қуйидагича етарли асослар мавжуд бўлган тақдирда йўл қўйилмоғи лозим:

А) мулкдор ва уни оила аъзоларининг манфаатлари оширилган компенсация берилишини тақозо этиши;

Б) компенсация олаётган мулкдор ва уни оила аъзоларининг беш йил ичида тўловни амалга ошириш бўйича тўлов лаёқатининг мавжудлиги;

В) бузилган мол-мулк билан берилган мол-мулк ўртасидаги фарқни беш йил давомида тўлагунга қадар қўшимча тақдим этилган мол-мулкларга нисбатан компенсация берувчини гаров ҳуқуқини жорий этилиши. Ушбу талаблар бевосита Уй-жой Кодексининг 27-моддасида ўз ифодасини топиши лозим. Мана шунда мулкдор билан компенсация тўловчи ўртасидаги муносабатларда манфаатлар уйғунлиги таъминланган бўлади.

Иқтибослар/Сноски/References

1. O'zbekiston mulk daxlsizligi ta'minlanmagan davlatlar ro'yxatiga kiritildi // <https://kun.uz/news/2021/12/11/>.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 ноябрдаги 911-сонли қарори билан тасдиқланган “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш ҳамда ер участкаларини олиб қўйиш ва компенсация бериш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Низом // <https://lex.uz/docs/5496805/>.

3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 008.12.1992 // <https://lex.uz/acts/20596>.

4. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси. 01.03.1997 // <https://lex.uz/docs/111189/>.

5. Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 24.09.2012 йилдаги ЎРҚ-336-сон // <https://lex.uz/acts/2055680/>.

6. Международный пакт об экономических, социальных и культурных правах. Принят резолюцией 2200 А (XXI) Генеральной Ассамблеи от 16 декабря 1966 года // https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/pactecon.shtml.

7. Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги Қонун 24.09.2011 // <https://lex.uz/acts/2055680>.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқаролик қонун ҳужжатларини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармойиши. 05.04.2019 йилдаги Ф-5464-сон // <https://lex.uz/docs/4272621>.

9. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодекси. 2018 йил 11 октябрдаги ЎРҚ 497-сон // <https://lex.uz/acts/106136>.